

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**50-сон**  
**(134)**  
**2004 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

500. «Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 декабрдаги 586-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

501. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2004 йил 30 ноябрдаги 163-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 декабрда 1239-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

502. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 декабрда 1122-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

503. «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линия-

- лари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 29 ноябрдаги 203-В-3, 128-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 декабрда 1074-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
504. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган автотранспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 9, 01-02/12-39-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 декабрда 1430-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
505. «Ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига йўналтириладиган ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш, суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 15 декабрдаги 240-мх-сон буйруғи. (*2004 йил 15 декабрда давлат реестридан чиқарилди*)
506. «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1431-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
507. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 26 октябрдаги 346-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1323-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
508. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2004 йил 15 ноябрдаги 248-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1432-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
509. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди электр узатиш тармоқлари орқали олиб ўтиладиган электр энергиясининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компаниясининг 2004 йил 15 ноябрдаги 01-02/12-21, ЭШ-01-21/247-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1433-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
510. «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/8-сон

қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1434-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

511. «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 11 декабрдан 17 декабргача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **500** Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Уй-жой сотиб олиш тартибини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун келиши жараёнларини бошқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) Адлия вазирлиги (А. Полвон-зода) ва Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича махсус комиссия (Р. Шоабдурахмонов) билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 декабрь,  
586-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 16 декабрдаги 586-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақалари аҳолиси уй-жой сотиб олаётган томон ҳисобланган тақдирда уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни «Ер-геодезкадастр» давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш фақат Махсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори тақдим этилган тақдирда амалга оширилади».

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ПАРВОЗ ХАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НОЗИРЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**501 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш-  
лар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
13 декабрда 1239-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Халқаро фуқаролик аиацияси талабларини жорий қилиш мақсадида Дававиа-назорат томонидан «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари»га (2003 йилги нашр), ўзгартириш ишлаб чиқилди, **буюраман:**

1. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат нозирлиги бошлиғининг 2003 йил 4 апрелдаги 44-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари»га (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1239 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Ишлар бошқармаси томонидан девонхона билан ҳамкорликда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мазкур ўзгартиришнинг кўпайтирилиб барча авиакомпаниялар ва манфаатдор ташкилотларга тарқатилиши таъминлансин.

4. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назорат Сертификатлаш, лицензиялаш ва парвоз хавфсизлиги устидан назорат бошқармаси бошлиғининг зиммасига юклатилсин.

**Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича давлат нозирлиги  
бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 ноябрь,  
163-сон

Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича  
давлат нозирлиги бошлигининг  
2004 йил 30 ноябрдаги 163-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
киритилган ўзгартириш**

1 бобнинг 2 § олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Тайёрловчи-давлат — ҳаво кемасини тўлиқ йиғиш учун жавобгар ташкилотга  
нисбатан юрисдикцияга эга бўлган давлат».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**502 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-ки-  
тоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
13 декабрда 1122-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-  
ки тўғрисида»ги Қонунининг 3, 7 ва 51-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли «Электр энергиясидан  
фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига илова қилинган «Электр энергияси истеъ-  
молчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-ки-  
тоблар тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марка-  
зий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга  
(2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар кири-  
тилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-  
дан ўтказилгандан сўнг, 2005 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 ноябрь,  
25/3-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**503** Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
13 декабрда 1074-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан Марказий банк Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида низомнинг (2001 йил 3 октябрь, рўйхат рақами 1074 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил 19-сон) 2 банди еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир».

2. Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 ноябрь,  
203-В-3-сон

**Молия вазири С. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 ноябрь,  
128-сон

## Келишилди:

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 ноябрь

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. ШАЙХОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 ноябрь

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**504** Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб  
кириладиган транспорт воситаларини расмийлашти-  
риш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
14 декабрда 1430-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 24 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қону-  
нини 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва  
Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган транспорт  
воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ  
тасдиқлансин.

2. 1997 йил 27 мартда 317-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-  
зирлигидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб ки-  
риладиган транспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтин-  
чалик йўриқнома, унга 1998 йил 23 июнда 317-1 рақам ва 2000 йил 25 августда  
317-2 рақам билан киритилган ўзгартиришлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат  
божхона қўмитасининг 1993 йил 14 октябрдаги 3-рақам билан Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган буйруғини III-бўлими ўз кучини йўқотган  
деб ҳисоблансин.

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга кириди.

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 ноябрь,  
9-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 ноябрь,  
01-02/12-39

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**505 Ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига йўналтириладиган ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш, суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани давлат реестридан чиқариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги ҳулосасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 15 майда 344-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига йўналтириладиган ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш, суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» йўриқнома давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мазкур ҳужжатнинг давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

3. Идоравий меъерий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Б.М. Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Х.М. Содиқов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ПОЛВОҢ-ЗОДА**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 декабрь,  
240-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**506 Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар  
ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
17 декабрда 1431-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби бўйича низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 ноябрь,  
25/5-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **507 Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
17 декабрда 1323-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарори ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан давлат рўйхатига олинган «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари»га иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг  
биринчи ўринбосари А. ИЗБОСАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 октябрь,  
346-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**508** Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
17 декабрда 1432-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 2004 йилнинг 6 ойи мобайнидаги аҳволи ҳамда уларнинг олдини олишда ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ўрни тўғрисида»ги йиғилиш қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси (Болтабоев) ушбу Низомни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва жойлардаги тегишли ташкилотларга етказиш ҳамда манфаатдор ташкилотлар иштирокида уни тушунтириш бўйича мунтазам равишда ишлар олиб бориш чорасини кўрсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Оллаберганов зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи  
ўринбосари А. ЖўРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
248-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2004 йил 15 ноябрдаги 248-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш  
машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник  
кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқарилган ва тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ҳамда трактор тиркамаларини (кейинги ўринларда матнда «Машиналар» деб юритилади) мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Машиналарнинг мажбурий техник кўриги (кейинги ўринларда матнда «Техник кўриқ» деб юритилади) «Ўздавтехназорат» органлари томонидан мазкур Низомга мувофиқ ўтказилади.

3. Қуйидагилар техник кўриқдан ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади: машиналарнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

машиналарнинг техник ҳолати ва амалдаги хавфсизликка мувофиқлигини баҳолаш;

машиналар сонини, уларнинг ҳолатини, амалда мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотларини аниқлаштириш.

4. Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда «Ўздавтехназорат» органларида рўйхатдан ўтказилган машиналар мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак.

5. Машиналар бир йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилиши лозим.

6. Машиналар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг: тракторлар, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл қурилиш машиналарига — 0,08 фоизи;

трактор тиркамаларига — 0,04 фоизи;

биринчи техник кўриқдан носоз деб топилган машиналар такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорда йиғим қайта ундирилади.

**II. Юридик шахсларнинг машиналарини техник кўриқдан ўтказишни  
ташкил этиш**

7. Техник кўриқ машиналар рўйхатдан ўтказилган жойда:

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналари, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдонча) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда;

юридик шахсларнинг машиналарини техник кўриқдан ўтказиш жойлари «Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органлари томонидан белгиланади;

ташкilotларда техник кўрик бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши ва иш ҳолатига келтирилиши зарур.

8. Техник кўрикни ташкил этиш жадвал тузиш билан режалаштирилади, жадвалда техник кўрик ўтказиш жойи, санаси ва вақти, кўриikka қўйилаётган техникалар сони тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Жадвал юридик шахсларнинг буюртмалари ва техник имкониятлари, об-ҳаво иқлими, ишлаб чиқариш ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда «Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органлари томонидан тузилади.

9. Бир кунда техник кўриikka қўйиладиган машиналар сони, мавжуд диагностика ва назорат ўлчаш ускуналарининг кунлик унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Техник кўрикни ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби ҳар йили 15 январгача Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли туманлари (шаҳарлари) ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия таркибига «Ўздавтехназорат» органи томонидан тавсия этилган юқори малакали ва тажрибали мутахассислар киритилади.

«Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органлари вакили комиссия раиси ҳисобланади.

11. Юридик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома 30 кун олдин юборилади.

Техник кўрик далолатномалари бланкалари талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда машиналар рўйхатига мувофиқ тўлдирилади. Машиналар техник кўриги далолатномасида кўрсатилган маълумотлар «Ўздавтехназорат»нинг тегишли органларида ҳисобга олиш маълумотлари билан солиштирилади.

12. Техник кўрик ташкilotларда, корхоналар ва бошқа белгиланган жойларда ўтказилади.

13. Бошқа юридик шахсларга ижарага берилган машиналар ижара «Шартномаси»да белгиланган юридик шахслар томонидан жойлардаги «Ўздавтехназорат» органлари томонидан белгиланган муддатларда техник кўриктан ўтади.

14. Техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин юридик шахс «Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган, юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган техник кўриктан ўтиш керак бўлган машиналар тўғрисида 1-иловага мувофиқ маълумотнома;

техник кўриктан ўтказганлик учун йиғимнинг белгиланган суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириғи, квитанцияси);

мукамал таъмирлашда, хизмат сафарига бўлган ижарага берилган машиналар сонини тасдиқловчи маълумотлар.

### **III. Жисмоний шахсларга тегишли машиналарни техник кўриктан ўтказишни ташкил этиш**

15. Жисмоний шахсларга тегишли машинани навбатдаги йиллик техник кўриikka қўйиш санаси «Ўздавтехназорат» органлари ходимлари томонидан белгиланади.

Техник кўрикни бир текис ўтказиш мақсадида «Ўздавтехназорат» органлари жадваллар тузиши ва машиналар эгаларига машиналарни техник кўриikka қўйишини аниқ саналар (ойлар)ини тавсия этишлари мумкин.

16. Машиналарнинг техник кўриги ўтказиладиган жой «Ўздавтехназорат» органлари томонидан белгиланади.

17. Техник кўриқдан ўтказиш учун машина эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан қуйидаги ҳужжатлар кўрсатилади:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

техник кўриқдан ўтказишга қўйилган машинага мувофиқ тоифадаги машинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси;

машинанинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт);

техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция).

18. Машинани носозлиги сабабли техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш мумкин бўлмаган тақдирда, унинг эгаси белгиланган муддатларда «Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органига ёзма ариза ва ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади. Бунда «Ўздавтехназорат»нинг ҳудудий органи ходими рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник паспортига) носозлик тўғрисида «Носоз» ёзувини қайд қилади ва шахсий имзо ҳамда муҳр (штамп) билан тасдиқлайди.

Носозлик бартараф этилгандан кейин машина эгаси уни Ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳужжатларни кўрсатган ҳолда техник кўриққа қўяди.

19. Эгасининг йўқлиги ёки касаллиги оқибатида техник кўриқдан белгиланган муддатларда ўтказилмаган машина эгаси қайтиб келгандан ёки соғайгандан кейин 10 кун мабойнида машинани техник кўриқдан ўтказиши.

#### IV. Техник кўриқни ўтказиш тартиби

20. Машиналар техник кўриқдан ўтказишга «Ўздавтехназорат» органлари томонидан кўрсатилган жойга қўйилади ва қуйидагилар текширилади:

хар қайси машинанинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга машина тури, маркаси, модели, завод рақами, двигатели рақами ва давлат рақам белгисининг мувофиқлигини;

хар қайси машина ҳайдовчисининг ҳайдовчилик гувоҳномаси тоифасининг мувофиқлигини;

хар бир ҳайдовчининг машина бошқаришга яроқлилик тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотномани;

хар қайси машинанинг техник ҳолати ва жиҳозлари стандарт талабларига, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда нормаларига мос келишлик жиҳатларини;

мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқнома ва қўлланмалар мавжудлигини ҳамда «Ўздавтехназорат» томонидан ишлаб чиқилган мавсум олди техник кўриқдан ўтказиш талабларига мувофиқлигини.

21. Техник кўриқдан ўтган машиналар гуруҳи бўйича далолатнома (2-илова) ва алоҳида техник кўриқдан ўтган машина бўйича далолатнома (3-илова) тўлдирилади.

Техник кўриқдан ўтган машиналар рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник паспортига, техник талонига) «Ўздавтехназорат» органининг ходими белгиланган намунада штамп қўяди, созлиги тўғрисида «Соз» сўзини қайд этади, имзо билан тасдиқлайди.

Изоҳ: машина трактор саройларини ва чиқимга чиқариладиган машиналарнинг техни-

кавий ҳолатини аниқлаш учун ўтказиладиган техник кўрик шартнома асосида амалга оши-  
ралади.

### Келишилган

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
ўринбосари О. ОЛЛАБЕРГАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 19 ноябрь

**«Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» Холдинг компанияси  
бошқаруви раиси Р. МАТЧАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 18 ноябрь

**«Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Д. СОЛИҲБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 19 ноябрь

**Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 18 ноябрь

Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Йиллик техник кўриқдан ўтиши керак бўлган трактор, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамалари тўғрисида маълумот**

Т/р	Машинанинг номи	Машинанинг техник паспорти ва техник талонининг рўйхатга олиш рақами	Русуми	Чиққан йили	Завод рақами	Двигатель рақами	Давлат рақами белгиси (серия ва номери)	Берkitилган механизатор Ф.И.Ш	Туғилган йили	Хайдовчилик Гувоҳномаси № ва серияси	Тиббий (083/г шакл) маълумотномаси № ва санаси	Машинанинг техник ҳолати (соз, носоз, таъмирлашда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_  
Имзо Ф.И.Ш. М.Ў.

Корхона ҳисобчиси \_\_\_\_\_  
Имзо Ф.И.Ш.

Тракторлар, ўзиюлар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Машиналарни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тузилган санаси 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача  
\_\_\_\_\_ га қарашли машиналар гуруҳи техник кўриқдан  
(юридик шахснинг номи)  
ўтказилди.

Т/р	Машина тури	Давлат рақами	Маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Агрегатлар рақами		Техник ҳолати, носоз машиналарнинг техник талони олиб қўйилгани тўғрисидаги белги	Изоҳ
					Двигатель	Завод (шасси)		
1								
2								
3								
4								
5								
6								
7								
8								

«Юридик шахснинг ҳисобидаги (балансидаги) машиналар сонини тасдиқлаймиз»  
Раҳбар \_\_\_\_\_

(имзо, Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи (ҳисобчи ёки ҳисобни юритувчи шахс) \_\_\_\_\_

(имзо, Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Рўйхатда кўрсатилган машиналар Давтехназоратнинг ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланган Давтехназорат мух. инспектори

(лавозими, Ф.И.Ш.)

Имзо М.Ў

Корхона ҳисобида \_\_ трактор, \_\_ трактор тиркамаси, \_\_ ўзиюлар шассилар, \_\_ мелиоратив йўл-қурилиш машиналари мавжуд, улардан \_\_ трактор, \_\_ трактор тиркамаси, \_\_ ўзиюлар шассилар, \_\_ мелиоратив йўл қурилиш машиналари техник кўриққа қўйилган.

Текширилган машиналардан \_\_ трактор, \_\_ трактор тиркамаси, \_\_ ўзиюлар шассилар, \_\_ мелиоратив йўл-қурилиш машиналари техник жиҳатдан носоз деб топилди.

Далолатнома нусхасини олдим:

Юридик шахс раҳбари \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш. имзо)

Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

### Техник кўриқ далолатномаси

Мен \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш, туман, шаҳар «Давтехназорат» инспекцияси бошлиғи)

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_ билан биргаликда  
\_\_\_\_\_ машинани техник ҳолатини аниқлаганда қуйидагилар маълум бўлади.

- |                           |                         |
|---------------------------|-------------------------|
| 1. Тури, номи _____       | 2. Русуми _____         |
| 3. Чиққан йили _____      | 4. Чиқарган завод _____ |
| 5. Техник паспорт № _____ | 6. Завод № _____        |
| 7. Двигатель № _____      | 8. Шасси № _____        |

Машинани ташқи қиёфаси: \_\_\_\_\_

Двигатель \_\_\_\_\_ Бошқариш қисми \_\_\_\_\_

Электр жихозлари, бурилиш, тўхташ ва габарит кўрсатувчи огоҳлантириш чироқлари \_\_\_\_\_

Ёнилғи мойлаш материаллари оқади, окмайди, экологик талабларга жавоб беради, бермайди \_\_\_\_\_

Шиналар меёридан ортиқ ейилган ва бошқа параметрлари текшириб, хулоса берилди \_\_\_\_\_

«Давтехназорат» инспекция инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо)

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Машина эгаси: \_\_\_\_\_  
(имзо)

Мухр «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_ й

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНING  
ҚАРОРИ

**509** Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди электр узатиш тармоқлари орқали олиб ўтиладиган электр энергиясининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1433-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 73-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электроэнергияни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
01-02/12-21-сон

**«Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси бошқаруви  
раиси Э. ШОИСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
ЭШ-01-21/247-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**510** Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
17 декабрда 1434-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 3, 7 ва 51-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқноманинг янги таҳрири иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Мазкур Йўриқноманинг янги таҳрири кучга кириши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқнома (2003 йил 14 январда 1201-рақам билан рўйхатга олинган) ўз кучини йўқотади.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ташкент ш.,  
2004 йил 27 ноябрь,  
25/8-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**511** Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
17 декабрда 1435-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 27 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ташкент ш.,  
2004 йил 27 ноябрь,  
25/9-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 11 декабрдан 17 декабргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2004 йил 30 ноябрдаги 163-сон буйруғи.*

**2004 йил 13 декабрда 1239-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 декабрдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/3-сон қарори.*

**2004 йил 13 декабрда 1122-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 декабрдан кучга киради).**

3. «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 29 ноябрдаги 203-В-3, 128-сон қарори.*

**2004 йил 13 декабрда 1074-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 декабрдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган автотранспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»\* *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 9, 01-02/12-39-сон қарори.*

**2004 йил 14 декабрда 1430-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 декабрдан кучга киради).**

5. «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/5-сон қарори.*

**2004 йил 17 декабрда 1431-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

\* Мазкур ҳужжат рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг 1993 йил 14 октябрдаги 162-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга рухсат бериш ва декларация қилишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғининг III-бўлими ўз кучини йўқотди (1993 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 3).

6. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 26 октябрдаги 346-сон буйруғи.*

**2004 йил 17 декабрда 1323-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

7. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2004 йил 15 ноябрдаги 248-сон буйруғи.*

**2004 йил 17 декабрда 1432-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди электр узатиш тармоқлари орқали олиб ўтиладиган электр энергиясининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компаниясининг 2004 йил 15 ноябрдаги 01-02/12-21, ЭШ-01-21/247-сон қарори.*

**2004 йил 17 декабрда 1433-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *(янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/8-сон қарори .*

**2004 йил 17 декабрда 1434-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

10. «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/9-сон қарори.*

**2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 декабрдан кучга киради).**

## **II. Давлат реестрдан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган автотранспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 27 март, рўйхат рақами 317; 1998 йил 23 июнь, рўйхат рақами 317-1; 2000 йил 25 август, рўйхат рақами 317-2).*

**Адлия вазирининг 2004 йил 14 декабрдаги 239-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига йўналтириладиган ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш, суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғри-

сидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тасдиқланган. (1997 йил 15 май, рўйхат рақами 344).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 15 декабрдаги 240-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

3. *Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган (2003 йил 14 январь, рўйхат рақами 1201).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 17 декабрдаги 243-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

